

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
ҲУКМ

2025 йил февраль ойининг 18 куни, Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман суди, Чилонзор тумани «Катта Хирмонтепа» МФЙ биносида, сайёр суд мажлисида, раислик қилувчи, судья А.А.Мухиддинов, судья ёрдамчиси С.Азимовнинг котиблигида, тарафлардан: давлат айбловчиси - Чилонзор туман прокурори катта ёрдамчиси Н.Рустамов, судланувчи О.Қўчқоров ва унинг ҳимоячиси адвокат Г.Мирзаева, жабрланувчи Ф.Толиповларнинг иштирокида, Қўчқоров Оғабек Ўктам ўғлига нисбатан жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Қўчқоров Оғабек Ўктам ўғли (QO'CHQOROV OG'ABEK O'KTAM O'G'LI), 1999 йил 01 ноябрь куни Қашқадарё вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, ишсиз, бўйдоқ, муқаддам

- 1) Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Учтепа туман судининг 2021 йил 22 сентябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 166-моддаси 2-қисми “в” банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланилиб, 1 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, Тошкент вилояти жиноят ишлари бўйича Зангиота туман судининг 2021 йил 11 ноябрдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддасига асосан ўталмай қолган 5 ой 17 кун озодликдан маҳрум қилиш жазосидан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган;
- 2) Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Шайхонтохур туман судининг 2022 йил 27 сентябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 1-қисми билан бўлган жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 83-моддаси 1,2-бандларига асосан тугатилган;
- 3) Қашқадарё вилояти жиноят ишлари бўйича Чироқчи туман судининг 2023 йил 10 апрелдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан бўлган жиноят иши ЖКнинг 66¹-моддасига асосан тугатилган;
- 4) Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Учтепа туман судининг 2024 йил 28 мартдаги ҳукмига кўра,



Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 1-қисми билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, ўталмай қолган жазо муддати 1 йил 2 ой 1 кунни ташкил қилади;

Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз тумани, “Хазора” ҚФЙ, рақамсиз уйда яшовчи, 2024 йил 29 ноябрдан 30 ноябрга қадар ЖПКнинг 224-моддаси тартибида ушлаб турилган, иш бўйича “шахсий кафиллик” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулоса нусхасини ўз вақтида олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 3-қисми “а” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишдаги мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи Қўчқоров Оғабек Ўктам ўғли жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасдан қасддан баданга шикаст етказиш мақсадида 2024 йил 17 ноябрь куни соат 18:30ларда Чилонзор тумани, “Кўтарма” МФЙ, 10-мавзе, “КХАЙ” кўчасидаги 9-дўконда жойлашган “Chixol Center” номли автомашина эҳтиёт қисмлари сотиладиган дўкон олдида бўла туриб, ушбу дўконда ишловчи Толипов Фазлиддин Мўминжон ўғли билан ўрталарида келиб чиққан жанжал натижасида қўлида бўлган ўткир тиғли канцелярия пичоғи билан Ф.Толиповнинг ўнг оёқ сон қисмига бир неча маротаба зарба бериб, тан жароҳати етказган.

Суд-тиббиёт экспертизасининг 27.11.2024 йилдаги №8547-Х-Хуж хулосасида, Ф.Толиповда ўнг оёқ сон ўрта учлиги ташқи юзаси санчилган яраси жароҳати мавжуд бўлиб, бу жароҳат ўткир санчувчи жисм таъсирида олинганлиги, кўрсатиб ўтилган тан жароҳати соғлиқни 6 кундан кўп, аммо 21 кундан ортиқ бўлмаган муддатга узилишига олиб келиши ва ушбу мезонга кўра оғирлик даражаси бўйича соғлиқни қисқа муддатга бузилишига олиб келган “енгил” тан жароҳати деб кўрсатиб ўтилган.

Судланувчи Т.Қўчқоров суд мажлисида ўз айбига қисман иқроп бўлиб, 2024 йил 17 ноябрь куни ишлаш мақсадида Чилонзор тумани, 10-мавзе, КХАЙ кўчасида жойлашган автомашина эҳтиёт қисмлари сотиладиган дўконлар олдида келганлигини, ушбу манзилда бир неча йиллардан буён автомашина учун аксессуарлар сотиш ҳамда автомашиналарнинг баъзи бир эҳтиёт қисмларини таъмирлаш ва ўзгартириш ишларини битириб тирикчилик қилаётганлигини, у



ишлайдиган жойдаги автомашина электр жиҳозлари сотиладиган дўконга бир неча кун аввал Ф.Толипов ишлаш мақсадида келганлигини, мазкур манзилга келган мижозлар билан бажариладиган ишнинг нархини келишиб бажариб беришлигини, 2024 йил 17 ноябрь куни ҳам эрталабдан ҳар кунгидек ўз ишлари билан шуғулланиб юрганлигини, кечки пайт соат 18:30ларда Ф.Толипов билан автомашина давлат рақам белгиларини ўрнатиб беришни сўраб келган мижознинг айтган ишларини қилиб бераётганида гап таллашиб жанжаллашиб кетганлигини, аввал ўша автомашинанинг рақамини ўзгартириб ўтирганида Ф.Толипов “бу ишни мен қиламан” деб айтиб келганлигини, бу ҳодисадан табиий-ки жаҳли чиқиб кетганлигини, лекин Ф.Толиповнинг ёши ҳам гавдаси ҳам уникидан катта бўлгани учун кучи етмаслигини билишлигини, шунинг учун жағ устида қўлида бўлган канцелярия пичоғини Ф.Толиповнинг ўнг оёғи сон соҳасига бир неча маротаба уриб кесиб ташлаганлигини, ўша атрофда турган бир нечта одамлар келиб уларни ажратишга ҳаракат қилишганлигини, жаҳли чиқиб тургани учун уларни ҳам кўрқитиш мақсадида қўлидаги канцелярия пичоғини кўрсатиб яқинлашмасликларини айтиб у ердан қочиб кетганлигини, Ф.Толиповнинг оёғига жароҳат етказиш учун фойдаланган пичоқчасини кўчага отиб юборганлигини, шу куни кечки вақтда Ф.Толипов шифохонага олиб борилганини билганлигини, унинг ёнига қайтиб келиб узр сўраганлигини, қилган ишидан пушаймонлигини, жабрланувчининг ҳозирда даъвоси йўқлигини айтиб, унга нисбатан енгиллик беришини сўради.

Жабрланувчи Ф.Толипов суд мажлисида, у 2024 йил 17 ноябрь куни соат 18:30ларда Чилонзор тумани, 10-мавзеда жойлашган автомашина эҳтиёт қисмлари сотиладиган дўкон олдида таниши О.Қўчқоров билан гап таллашиш оқибатида жанжаллашиб кетганлигини, ўша вақтда О.Қўчқоров қўлида бўлган унга номаълум ўткир тифли жисм билан ўнг томон оёқ сон қисмимга зарба берганлигини, буни аввалига сезмагани, жанжаллашаётган вақтида атрофдаги одамлар келиб уларни ажратишгани, О.Қўчқоров узоқроққа кетганидан кейин оёғида оғриқ борлигини сезиб қараганида кесилганини кўриб, қонни тўхтатиш мақсадида РШТЎИМга мурожаат қилганлигини, шифохонада унга ҳеч нима айтилмасидан туриб шифокорлар ИИОга хабар беришганини эшитганлигини, ҳозирда судланувчига нисбатан даъвоси йўқлигини айтиб, суддан судланувчига нисбатан енгиллик беришни сўради.

Суд, судланувчи Т.Қўчқоровнинг жиноят содир этишдаги айби, ўзининг айбига тўлиқ иқрор бўлиб берган кўрсатуви ва жабрланувчиларнинг кўрсатувларидан ташқари, жабрланувчининг аризаси, тушунтириш хатлари, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, юзлаштириш, нарсани кўздан кечириш баённомалари, судга оид тиббий экспертизасининг хулосаси ҳамда жиноят иши бўйича барча тўпланган, текширилган, ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва



ишончилиги нуқтаи назаридан баҳоланган далиллар билан тўлиқ исботланган деб ҳисоблайди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Т.Қўчқоровнинг *“безорилиқ, яъни такроран, совуқ қурол ёки кишининг соғлиғи учун амалда шикаст етказиши мумкин бўлган нарсаларни (қурол сифатида) намойиш қилиб, уларни қўллаш билан қўрқитиб ёхуд қўллаб, жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасдан, баданга энгил тан жароҳати етказиш”*да ифодаланган жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 3-қисми “а” банди билан билан, яъни “такроран” зарурий белгиси билан нотўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 32-моддасига мувофиқ, ушбу Кодекс Махсус қисмининг айнан бир моддасида, қисмида, Кодексда алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса, турли моддаларида назарда тутилган икки ёки бир неча жиноятни шахс турли вақтларда содир этган, аммо уларнинг бирортаси учун ҳам судланган бўлмаса, такроран жиноят содир этиш деб топилади.

Юқоридагиларга асосан суд, Т.Қўчқоровнинг айбловидан “такроран” зарурий белгисини чиқариб, унинг жиноий ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 3-қисми “а” бандидан *“безорилиқ, яъни совуқ қурол ёки кишининг соғлиғи учун амалда шикаст етказиши мумкин бўлган нарсаларни (қурол сифатида) қўллаб, жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасдан, баданга энгил шикаст етказиш”* жиноий аломати бўйича Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми “в” бандига қайта малакалашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида” 1-сонли қарори 3-бандида, жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони энгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ва 4-бандида, қонун тайинланадиган жазо тури ва меъёрини айбдорнинг шахсини тавсифловчи объектив омилларга, хусусан, айбдорнинг ёши, жинси, ҳомиладорлик ҳолати киришлиги қайд этилган.

Суд судланувчи Т.Қўчқоровга нисбатан жазо тайинлашда унинг шахсини, айбига тўлиқ иқроор бўлиб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, моддий зарар қопланганини, жабрланувчининг даъвоси йўқлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони энгиллаштирувчи ҳолатлар деб, илгари ҳам қасддан жиноят содир этган шахснинг қасддан янги жиноят содир этганини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб баҳолайди.



Суд, судланувчи Т.Қўчқоровга жазо тури ва миқдорини белгилашда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 7,8-моддаларида назарда тутилган одиллик ва инсонпарварлик тамойилларидан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарори талабларидан келиб чиқиб, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни инобатга олиб, унга нисбатан ҳаракатлари талқин қилинаётган модда санкциясида назарда тутилган озодликни чеклаш жазосини тайинлашни лозим топади.

Шунингдек, иш ҳужжатларига кўра, судланувчи Т.Қўчқоров муқаддам жиноят ишлари бўйича Учтепа тумани судининг 2023 йил 28 февралдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 1-қисми билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш жазоси тайинланган, жазо ўтаётган даврида қасддан янги жиноят содир этганлигини инобатга олиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60,61-моддалари тартибида узил-кесил жазо тайинлашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 454-457, 462, 463, 465-468, 471, 472, 473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Қўчқоров Оғабек Ўктам ўғли (QO'CHQOROV OG'ABEK O'KTAM O'G'LI) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми “в” бандида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбли деб топилсин ва шу модда билан 2 (икки) йил 9 (тўққиз) ой озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Қўчқоров Оғабек Ўктам ўғлига Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60,61-моддалари тартибида илгариги ҳукм билан тайинланган жазонинг ўталмаган қисмини қисман қўшиш йўли билан узил-кесил ўташ учун 3 (уч) йил озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Қўчқоров Оғабек Ўктам ўғлига Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддаси тартибида унинг 2024 йил 29 ноябрдан 30 ноябрга қадар (1 кун) тайинланган озодликни чеклаш жазоси муддатидан чегириб ташланиб, ўташ учун 2 (икки) йил 11 (ўн бир) ой 29 (йигирма тўққиз) кун озодликни чеклаш жазоси қолдирилсин.

О.Қўчқоровга қуйидаги чеклашлар юклатилсин:

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48¹-моддасига асосан О.Қўчқоровга сутканинг муайян вақти, яъни кеч соат 21:00дан эрталабки соат 06:00га қадар яшаш жойи, яъни Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз тумани, “Хазора” ҚФЙ, рақамсиз уйдан чиқиш чеклансин ва унга қўшимча:

- маҳкумларни назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш



жойини тарк этмаслик;

- ҳар ойда бир мартаба яшаш жойи бўйича ИИО ФМБ Пробацяя бўлимидан рўйхатдан ўтиб туриш;

- муайян (бар, ресторан ва алкогольли ичимликлар сотиш дўконлари) жойларга бормаслик;

- оммавий ва бошқа тадбирлар ўтказишда иштирок этмаслик;

- алкогольли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилмаслик.

О.Қўчқоровга озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан ўз зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48¹-моддаси 6-қисмида кўрсатилган оқибатлар юзага келиши мумкинлиги тушунтирилсин.

Жазони ижро қилиш Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз тумани ИИО ФМБ бошлиғи зиммасига юклатилсин. Жазо муддати пробацяя гуруҳида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

О.Қўчқоровга нисбатан қўлланилган “шахсий кафиллик” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Ашёвий далил сифатида олинган “канцелярия пичоғи” тегишли тартибда йўқ қилинсин.

Апелляция шикоят ва протестлари ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, маҳкум, оқланган шахс, жабрланувчи томонидан эса уларга ҳукмнинг кўчирма нусхаси топширилган кундан эътиборан шу муддат ичида берилиши мумкин.

Қонуний кучга кирган суд ҳукми устидан ушбу суд орқали юқори турувчи судга кассация тартибида шикоят берилиши ва протест билдирилиши мумкин.

Раислик қилувчи

(имзо)

А.А.Муҳиддинов

Нусхаси аслига тўғри:

